



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2024 йил 8 октябрь, сешанба, №116 (3462).

## ПРЕЗИДЕНТ АЭС БҮЙИЧА РЕФЕРЕНДУМДА ОВОЗ БЕРДИ

Қозоғистонда атом электр станцияси курилиши бүйича референдум үтди.

Қозоғистон Республикасы Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин, Қозоғистон Республикасы Баш вазири Үлжас Бектенов ва Қозоғистон Республикасы энергетика вазири Алмасадам Сатқалиев ўз сайлов участкаларидаги овоз бердиши.

Умумхалқ референдумда овоз беришдан сўнг ОАВга мусоҳаба берган Давлат раҳбари Қасим-Жўматр Тўқаев Ҳукуматнинг ишига юксак баҳо берди.

– Қозоғистон Ҳукумати ҳозирги таркибида 7 ой ишлади. Референдумдан кейин унинг таркиби ўзгарди, деган тахминлар бор. Ҳукумат фаолиятидан кўнглингиз тўлдими? – деб сўради Kazinform мухбири Президентдан.

– Ҳукумат Давлат раҳбари сифатида мен кўйган вазифаларни бенуқсон бажармоқда. Унинг фаолиятини ОАВлар кўрмәтган бўлиши мумкин. Бундай дейишимга сабаб, деярли барча ОАВларни кузатиб бораман, кўп маълумотларга эгаман. Вазирлар ва Ҳукумат раҳбарияти фаолиятидаги камчиллик менинг кўрсатмаларин билан ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бироқ 7 ой – қисқа муддат. Шунга қарамай, Ҳукумат аъзолари ўзларини ижобий томондан кўрсатишмок-



да. Асосий вазифа – мамлакатимизда иқтиносиди тараққиёт манбаларини топиш, – деб жавоб берди Давлат раҳбари.

Журналистлар АЭС қурадиган пурдатчи ташкил ҳақида савол бердиши.

– Ҳукумат экспертиза билан шугулланиши ва музокаралар олиб бориши керак. Бироқ, бу масала бўйича менинг шахсий фикрим шуки, Қозоғистонда энг илғор технологияларга эга дунёвий компаниялардан иборат ҳалқаро

буни вақт кўрсатади, – деди Қасим-Жўматр Тўқаев.

\*\*\*

Сеулдаги 390-сонли ва Токиодаги 393-сонли референдум учун сайлов участкаларни маъжаллий вақт билан эрталаб соат 7:00да биринчи бўлиб овоз бериш учун очилгани аввал ҳаబар қилинган эди. Қозоғистонлик Камила Маутова ушбу референдумда овоз бериш участкалари очиди.

59та хорижий давлатда 74та сайлов участкаси ташкил этилди. Шунингдек, Астана вақти билан соат 4:00да (маҳаллий вақт билан соат 7:00да) Қозоғистон Республикасининг Пекиндаги элчиноси ҳамда Қозоғистоннинг Шанхайдаги ва Гонконгдаги Қозоғистон бosh консулилларида АЭС куриш бўйича республика референдумини ўтказиш мақсадида овоз бериш участкалари очиди.

59та хорижий давлатда 74та сайлов участкаси ташкил этилди.

Akorda.kz.  
маълумотлари асосида.



## ЭҲТИРОМ. ЭҲТИБОР. ЭҲТИРОФ

Ўқитувчилар куни муносабати билан Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўматр Тўқаев устоз-муаллимларни касб байрами билан табриклаб, маъсуллияти ва шарафли вазифани шараф билан адо этаттандарни учун миннатдорчиллик билдири.



Вилоятимизнинг 167та қишлоқ ва аҳоли манзилларида сайёр тиббий пунктлари ташкил этилиб, овоз берувчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга маслаҳатлар берилди.

## РЕФЕРЕНДУМ КУНИ ЯРМАРКАЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги ХҚТУдаги участкада китоб ярмаркаси ташкил этилди. Ўз танловини амалга ошириш учун келган шаҳар ахолиси турли жондаги китобларни арzon баҳоларда харид қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар марказларида озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилди. Аҳоли озиқ-овқат ва сабзавотларни бозордагидан 15-20 фойз арzon нархларда харид қилид. Вилоят дехонлари ўз маҳсулотларини воситачилариз аҳолига

арzon баҳода таклиф этиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлди. Турсистон шаҳридаги 931-участкада миллӣ хунармандчилик ярмаркаси ташкил этилиб, ташриф буюрувчilar учун маҳорат сабоқлari ўтказилди. Ярмаркада хунармандлар томонидан ёғочдан ясалган миллий чолғу асбоблari, чарм буюмлар аҳоли эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, кулолчилик ва рангтасвирлар ҳам намойиш этилди.

24.kz. маълумотлари асосида.



● Обуна-2025

## «Жанубий Қозоғистон» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош ҳалқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўпrik – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол

ва вижданан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари иштилмок истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан вониф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан боҳабар бўйай дессангиз, ҳеч иккиласманай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёёлинг.


НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Турсистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардор, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:  
«Қазпошта» ҲЖ орқали –  
Турсистон вилоятси бўйича –  
3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича –  
3095,15 тенге.

»»» Қозоғистон Мустақиллигига – 33 йил

Истиқлол бизга  
нима берди?



ИФТИХОР

Президент Қасим-Жўматр Тўқаев ҳалқимизга йўллаған «Адолатли Қозоғистон»: қонун ва интизом, иқтиносиди тараққиёт, ижтимоий некбинлик» Мактубда Қозоғистоннинг тарихиңа кисқа давр мобайнида жаҳоннинг нуфузли ташкилотларига қабул қилингани, мустақил миллий иқтиносидигига эга миллатларнинг дунёвий оиласига тўлақонли аъзо бўлган давлат сифатида шаклланганини қайд этди.

«Эзгулик ва қалб саҳовати том маънодаги бағрикенглик ҳалқимизга ҳос фазилид. Бу фазилатлар энг оғир тарихи даврларда синовдан ўтди ва ҳалқимиз иродасини мустаҳкамлайди. Қозоғистонда тил, дин, миллат, ижтимоий мавке ва бошқа сабабларга кўра ҳеч ким таъқиб килинмайди ва бундай бўлиши мумкин эмас. Албатта, айрим ҳолатлар учраб туради. Лекин улар кўп ҳолларда фуқароларнинг саводсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли юз беради. Ҳукуки муҳофаза қилиш идоралари додим қонун доирасиди бундай воқеаларнинг оғидини олади», дейилди Мактубда. Буларнинг барчасига истиқлол туфайли эришилди. Юртимизнинг ҳар бир асл фарзанди Мустақилликни мустаҳкамлаш ўйлида ўзини Ватанимизнинг ажralmas бир қисми деб билди. Эллинг тинчлиги, тутувлиги, баҳтил келажагини қарор топтириш ўйлида жипслашди. Ҳалқимиз ўз кучига, курдатига ишониб, бунёдкорлик фаолияти билан нурафшон келажак сари дадил қадамлар ташламоқда. Бундан ҳам улуғроқ ифтихор бўлиши мумкини!

Энди «Мустақиллик бизга нима берди?» деган савоннинг ўрнига «Биз мустақилликни нима бердик?» деган савонни берадиган вақт келди.

Ўсмонали ҚОДИРОВ,  
Тўлебий туман ўзбек этномаданият  
бирлашмаси раиси.

БАХТ

Мустақиллик – ҳалқимизнинг улкан галабаси, баҳти. Биз, барча қозоғистонликлар, ушбу галабани мустаҳкамлашмиз керак. Мустақиллик инсонда ғурур, ўз-ўзини билиш, қадрлаш ҳис-туйгуларни ўфтотувчи сиёсий воқеелик. Бу туйгъ қийинчилликларни ўзасига қўлга кирилган мустақилликни ҳар соҳа бўйича мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, уни оддий ҳаёт тарзига айлантириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шу боис ҳам мустақиллик бизнисин кечаги, бугунги ва эртанги кунимиздир.

Мустақиллик шароитида республикаининг маънавий бойликларни тикила ва ривожлантириш, илманимиз, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга олиб ҷиҳоз, қадимдан мамлакатимиз ҳалқларига хос бўлган, зарҳал ҳарфлар билан битилган инсонлигимиз, инсонпарварлигимиз янги мазмун билан бойитилиб, эл-юрт ҳавас қилса аргизулик даражага кутарилмоқда.

Тинчлик ва тутувлик – элизимзинг баҳтидир. «Биз баракини бирлигимиз туфайли турли синовлардан суринмай ўтган ҳалқимиз. Келгусида ҳам шундай давом этади. Барчамиз ягона ҳалқ сифатида, биргалиқда адолатли ва тараққиёт этган Қозоғистонни барпо этайлик. Ҳар ким кўзлаган мақсадига эришил, орзуларни ҳаётла тараққиёт этадиган давлатга айлантиришга эришайлик. Ҳар бир инсоннига ва барчага тенг имкониятлар берадиган мамлакатни, яъни Адолатли Қозоғистонни бирга барпо этайлик», дега даъват этид. Президентимиз Қозоғистон ҳалқига йўллаган Мактубда.

Баркамолликка датъогар ҳалқигина мустақиллик меваляридан баҳраманд бўлишига лойиқидир. Тарихдан маълумлики, қайси бир ҳалқ маънавий жиҳатдан ҷанчалик эртароқ баркамолликка эришган бўлса, шунчалик эртароқ ўз истиқлолини кўлга киритган. Баҳтимизни асрайлар, азизлар!

Абдураҳим ПРАТОВ,  
Қозоғистон Ёзувчilar уюшмаси аъзоси.

ВАТАНПАРVARЛИК

Маълумки, мамлакатимизда 2008 йил «Қозоғистон ҳалқини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат барча қозоғистонликлар учун қадрли. Зоро, ватанпарварлик – ҳалқ манфаатларини, эл тақдирни ва мустақилликни инглаз билан боғлиқ бўлган маънавиятдир. Кишиларда ватанпарварлик туйгуси ҷанчалик теран бўлса, мустақиллик ҳам шунча барқарор бўлади. Ватанпарвар инсон ҳозирги мураккаб даврда ҳам бугунги кундан кўра эртанги кўпроқ ишонади, у ҳақда ўйлади.

«Ҳукумат аъзолари, ҳоқимлар, депутатлар ва жамиятнинг барча вакиллари ватанпарварлик гоясига содик бўлишлари шарт. Ҳар бир ташаббусимиз бунёдкорликка интилишга қаратилган бўлиб, ҳар бир қадимимиз мамлакатга фойда келтириши зарур. Биз мамлакатимиз бойликларидан тежамкорона фойдалансак, фидокорна меҳнат килсак, солиқ тўласак, мамлакат маҳсулотларига харид килсак, турли лойиҳаларга сармоя жалб этсак, давлатимиз салоҳиятни оширамиз. Демак, Ватанимизга ҳам, оиласига ҳам фойда келтирамиз», деб ёзди Президент «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтиносиди тараққиёт, ижтимоий некбинлик» номли Мактубда.

Қозоғистон – менинг Ватаним. Мен республикамизнинг фарахбаш эртаниги куни билан фахрланаман. Мен шу буюк давлатнинг фуқароси, зиёлиси, эгаси эканман, бу йўлда фақат ақоли иродами эмас, бутун умримни шунга фидо қилишга тайёрман. Шундай руз назаримда Қозоғистоннинг барча ватанпарвар ўғлонларига хос сифатлар бўлса керак деб ифтихор билан ўйлайман ва шунга умид қиламан.

Мирзахан БАЙЖАНУЛИ,  
Ҳожа Аҳмад Яссавий номли  
Халқаро қозоқ-турк университети  
медиа маркази раҳбари.

## БОШ МАҚСАД – АХОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов Жетисай туманига хизмат сафарида Интимақ қишлоғидаги курилиши якунланган "Кирово" АГТС (автоматлаштирилган газ тақсимлаш станцияси) иншоти билан танишди.

Таубай ата, Қурбан ата, Интимақ ахоли манзилларни ичимли сув билан таъминлаш тармоғининг янгилаш ишлари, "Қишлоқ – эл бешиги" дастури доирасида Қурбан ата ахоли манзилида ўртacha таъмидран ўтказилаётган вилоят аҳамиятига молик КХ-9 автойўлининг таъмиридаш ишлари билан танишди.

Зулпихар Сансишибайли раислигига ўтган мажлисда туман ўй-жой-коммунал ҳужалиги соҳасига доир масалалар бўйича мутасадди бошқармаларнинг ҳисоботлари тингланиб, мухим масалаларни ҳал қилиш йўллари муҳокома килинди.

5201 одам уй навбатида турган туманинг 105ta ахоли манзили марказлаштирилган ичимли сув кувурлари билан тўлиқ таъминланасада, 15ta ахоли манзилига ичимли сув



жадвал асосида берилмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган Зта иншотнинг иккитаси якунланаб, биттаси 2025 йилга ўтади.

Ахоли манзилларидаги янги кўчаларни сифатли электр куввати билан таъминлаш мақсадида 2ta иншотнинг ку-

рилишига 1,1 млрд. тенге маблағ ажратилиб, 1ta иншот фойдаланишига топширилди.

Шунингдек, жорий илий йўловчилик транспорти ҳамда автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга 1,8 млрд. тенге йўналтирилиб, "Қишлоқ – эл бешиги" лойиҳаси доирасида умумий узунлиги 42,1 км.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИДАГИ МАСАЛАЛАР ДОИМИЙ ЗЪТИБОРДА



Сайрам туманинг ҳокимининг матбуот хизмати.



6 октябрь куни Туркистон шаҳридаги Б. Мўмишули номли 22-сонли умумтъалим ўрта мактабида жойлашган 135-сайлов участкасида АЭС қурилиши бўйича ўтказилган референдумда оила-аъзоларим билан овоз бердим.

## ТУРКИСТОН ШАҲРИДА УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ



Референдум комиссияси котиби Мурат Назаров тонги 7:00да Давлат мадхияси ижро-си билан овоз бериш жараёни бошлангани, фуқароларнинг иштироки фаол эканлигини янгиланиб.

Б. Мирзакулов шаҳар ҳокими, давлатимизга муаммони ҳал қилишдаги кўмаги учун миннатдорчилигини билдири.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвириларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

## РЕЖАЛАР ПУХТАЛАНДИ

Сайрам туманида оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қараштилмоқда. Туман ҳокими Арман Сабитов Ақбулақ қишлоғи, Оқсув дарёси бўйида барпо этиладиган отчопар майдонининг истиқболдаги режалари билан танишди.

3,6 гектар майдонда барпо этиладиган отчопарда кўлкари, пойга ва бошқа миллий спорт мусобакалари ўтказилиди.

Туман раҳбари мутасадди ташкилотларига соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида барпо этиладиган спорт иншотининг лойиҳа-смета хужжатларини пухталашни топшириди.

Сайрам туманинг ҳокимининг матбуот хизмати.

### »» Қарзиз жамият



## ГАР ОГОХСЕН...

Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғидаги 7-сонли Бобур номли мактабнинг мажлислар залида "Қарзиз жамият" ижтимоий лойиҳаси доирасида молиявий саводхонликни ошириш мақсадида семинар уюштириди.

Унда "Ұлы дала" уюшмаси "Қарзиз жамият" лойиҳасининг молиявий таҳлилиси Айгерим Амиралиева маъруза қилди. Семинар сўнгиди "AMANAT" партиси Сайрам туман бўлими ижроия котиби Куаниш Сиздиков, туман ҳокимининг ўринбосари Мадиря Алипов, Оқсувкент қишлоғи ҳокими Мади Нурибаев, таълим бўлими услубия кабинети мудири Гулнар Нуртанова, А. Амиралиева, мактаб директори Луиза Малабаева, шунингдек, "Шимкент шоу" ва "Шаншар" театрлари санъаткорлари Қарлиғаш Ахметова ва Куннур Қалмирзаевлар эзгу тилапларини изҳор этиб, тантанали равишда таълим сертификатларини топширишиди.

3. МУМИНЖОНОВ.

## ЎТРОРЛИК САНЪАТКОРЛАР ТУРКИСТОН ТЎРИДА

Туркистон шаҳрида ўтроклик санъаткорлар ўз истеъодиди намойиш этишиди. "Санъатсевар ўлқа" вилоят санъат фестивали доирасида "Карвон сарой" сайдхлия мажмусасидаги катта концертда тумандан чиқсан машҳур санъаткорларнинг кўй-кўшиклари, рақслари намойиш этилиди.

Байрам тадбирида туман ҳокими ўринбосари Айдус Қулмаҳнов сўзга чиқиб, туркистонликлар ва меҳмонларни табриклиди. Кечак давомида кулигустонлари Уалибек Абдираимов ва Жусип Ақшўра, "Алтын домбыра" голиби Бекарис Шўйбеков ва оқин Анар Жаппарқулов ҳамда санъат олами юлдузлари Хадиша Шалабаева, Берик Сексенбек, Ермакан Ашировлар меҳмон сифатида иштирок этишиди, "Бақыт айданында" турху рақосалари, "Бастау" турху ва "Кизлар" триоси ҳамда бошқа санъаткорлар билан биргаликда кўшик ижро этишиди.

Кечакни таникли журналистлар Қайрхан Маулен ҳамда Гулимкулжа Сейтқази олиб боришиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ҲАМЖИҲАТЛИК – ЮТУҚЛАР ҚАНОТИ

### ЭТНОСЛАРНИНГ ТИЛИ, МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ



Туркистон шаҳрида қад ростлаган "Дўстлик уйи"да вилоят "Ынтымақ" этномаданият бирлашмасининг ташаббуси билан "Этнослар тили, маданияти ва анъаналари куни" нишонланди.

Мамлакатимизда барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва эл бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган тадбирда вилоят ҚҲА аъзолари, вилоят этномаданият бирлашмалари вакиллари, шунингдек, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон, Догистондан келган меҳмонлар, "Ассамблэя ёшлари" бирлашмасининг вакиллари аъзолари, Ҳожа Аҳмад Яссавий номидаги ҲҚТУ талабалари иштирок этди.

Байрам тадбирини вилоят "Ынтымақ" этномаданият бирлашмасининг раисаси Гулбарам Малбаева олиб борди.



Тадбир иштирокчилари дастлаб этномаданият бирлашмасининг махсус тайёрланган кўргазмаси билан танишиди.

Тантананинг очилиш маросимида сўзга чиқсан "Жамоат тотувлиги" ДКК раҳбари ўринбосари Ерназар Баев, вилоят ҚҲА қошидаги Оналар кенгаши раисаси Гулсара Тўқкулова, Ҳожа Аҳмад Яссавий номидаги ҲҚТУ ректори ўринбосари Едил Тўлегенов муҳим учрашувнинг аҳамиятига тўхталиб, ижтимоий тотувлик ва барқарорлик асосий тамоилимиз бўлиши жоизлигини тъзиқидлади.

Тинчлик, тотувлик ва эл бирлиги тараннум этилган тадбирда ватанпарварлик руҳидаги кўй-кўшиклар янгради, байрам иштирокчилари йигиндан ўзгача таассурот билан қайтишиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



» «Обуна – 2025»

## ШАХСИЙ ҲИССАМ – 65 НУСХА

Туркистон шаҳрида вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Қозғистон халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметовнинг халқаро миқёсда нишонланган юбилейнiga бағишиланган тантанада иштирок этдик.



Ҳамқишилғом Бобоқон Ёқубов тўй сабабчисига бағишиланган шеърини ўқиб, кифтига тўн ёпди. Яхши ниятларимизни изҳор этдик. Биз вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг "Жанубий Қозғистон" газетаси обунасини пухта ташкил этиш хусусидаги кенгаш йигилишида иштирок этганимиз. Қишлоғимиз ҳокими Тоҳир Абдаев, устоғ-богбон Олим Қосимов, вилоят оқсоқоллар ҳайъати аъзоси Бобоқон Ёқубовлар ҳар бири 20 нусхадан ҳисса қўшмоқда. Қишлоғимиздаги барча умумтаълим мактаблари обунага тўлиқ жағб иштирок этдиган.

Ҳамқишилқаримга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси сифатида ташаббус кўрсашиб, 65 нусха "Жанубий Қозғистон" газетаси обунасини ташкил қилмоқдаман. Бу менинг умумхалқ ишига қўшган шахсий ҳиссамдир.

Ўсер НЕЪМАТУЛЛАЕВ,  
Янги Иқон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

» Бир туман хабарлари

## КЎЧАЛАР ОБОДОНЛАШТИРИЛМОҚДА

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов Қорамурт қишлоғи аҳолиси билан учрашиб, ўйларни таъмирилаш ишларининг сифати билан танишиди.



Жорий йилда узунлиги 6,2 ҷақирим келадиган Етти Момо, Ҳ. Нигмаджонов ва М. Шерметов кўчалари "Қишлоқ – эл бешиги" лойиҳаси доирасида асфальтланди.



Қишлоқда 31та кўчанинг 20таси асфальтланган. Туман раҳбари қолган 11та кўчага асфальт ётқизиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашини топшириди.

## ЭҲТИРОМ

Манкент қишлоғидаги "Ақ тілек" тўйхонасида 18 ёшдан ошган имконияти чекланганлар иштироқида тадбир ўтди.



Унда "Туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими"нинг "Ижтимоий хизмат кўрсатиш" муассасаси раҳбари ўринбосари Абай Тилеуов барчани байрам билан табриклаб, тадбир ҳомийлари – тадбиркор Яйрахон Норметова ва тўйхона соҳиби Равшанбек Шодиевларга фаҳрий ёрлиқлар топшириди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган бўлум мудираплари Асөл Қунисбаева, Кулъя Дўсқараева, имконияти чекланганлар орасида стол теннисидан спорт устаси Тўймурад Эшимов, қишлоқ ҳокимлиги мутахassisлари иштироқиларга эзгу ниятларини изҳор қилишиди.

Қ. Жандарбеков номидаги туман ва Манкент қишлоғи Маданият уйлаши ходимлари куй-қўшилар ижро этиб, даврага файз киритишиди.

3. МЎМИНЖНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Инсон юксак камоптега эришиш ўйлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишига ҳам ҳаракат қиласа, ўч шубҳасиз ўзи интилятеган олий даражадаги баҳт-саодатга эришади.

Абу Наср ФОРОБИЙ.

Шалатай Мирзахметов 1946 йили ўттор туманинг Шаулер овулида дунёга келган.

Ўрта мактабни, сўнг Қозоқ кимётехнология институтини тамомлаб, курувчи-муҳандис мутахassisligini эгаллади. Мехнат фаолиятини 1962 йили Қизилкум туманинда «Арис» жамоа хўжалигига тракторчи сифатида бошлади. 1968 йили олий ўкув юртими тамомлаб, Ақтепе вилояти, Байганин туманида уста-курувчи бўлиб ишлади. 1971 йили Чимкент вилоятидаги Қизилкум қишлоқ хўжалик бошқармасида мухандис-курувчи хизматига, 1976 йили Қизилкум туманинди 2507-сонли ҚМБ раҳбари лавозимига тайинланди. 1981 йили ҳалқ депутатлари Қизилкум туман Қенгашши раиси ўринбосари, 1988 йили ушбу муассасанинг раиси лавозимларига сайланди. 1992-2000 йилларда Шимкент шаҳридаги «Жибек жўли» товар биржаси бошқарув ҳайъати президентси сифатидаги меҳнат фаолияти давом эттири. 2000 йили ўттор туманинг ҳокими лавозимига тайинланди. Ташабbusкор, изланувчан, камтарин ва фойдий инсон туманда иктисолидётни ривожлантириш, маҳаллий кадрлардан мутахassisлар етишириш, замонавий бинолар куришда фойдойлик намуна-ларини кўрсатди.

Шалатай Мирзахметули 2003 йили вилоят маслаҳати депутати этиб сайланди ва Жанубий Қозғистон халқи Ассамблеясининг «Бирлік» оптин медиали. 2007 йили Қозғистон Республикаси Парламент Мажлиси депутати этиб сайланди. Иккичирик депутати Парламент Мажлисining конунчилари ва суд-хукукий ислогоҳотлар кўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритди. ҚХАнинг депутатларини кўрсатди.

«Қўрмет» ордени, ўндан зиёд юбилей медаллари, Қозғистон халқи Ассамблеясининг «Бирлік» оптин медали, «Миллий ҳавфиззинки таъминлашга кўшган ҳиссаси учун», «Ерен еңбеги ушин», «Жанубий Қозғистон» вилоятига кўрсатган хизмати учун» медаллари билан тақдирланган, ўттор ва Сўзок туманларининг фаҳрий фаҳарси Шалатай Мирзахметов ота-онасидан ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни қабул қилиб олди ва ўз фарзандларига ҳам уларни сингдиришина фарз деб билди. Шу боис, билимли ва эл корига камарбаста инсонларни юяга етказиши ўйлида қуч-гайратини ямади. Ўз навбатида этии фарзанди ҳам ота изидан бориб, олий маълумот олиб, ҳаётда ўз ўринларини топишиди. Қизлари – Баян Қозок Давлат университетидаги ишлайди, техника фанлари номзоди, Гулден – хукуқшunos, «ҚазрансОйл»да кадрлар бўлими раҳбари. Гулжан – Астана шаҳридан кардижар маркази бўйим мудириси, Улжан «ҚазАтомПром»да менежер.

Ўғли Қуандик – вилоят иктисолидий судининг судьси, Шахмурат – ички шилар вазирлигида криминал полиция бўйимини бошқарди, полиция подполковниги. Ермурат – Республика Баш прокуратурии қидирув бўйимидаги катта прокурор лавозимида фаолият юритди.

Ёшларга ҳавасим келади, – дейди Ш. Мирзахметов. – Мамлакатимизда улар учун барча имкониятлар мухайё, –

**Меҳнатдан  
келса бойли...**



энг муҳими – юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Буларни кўриб, ҳар соҳада интилувчан ва изланувчан ёшларимизга ўтётган кунингиздан тўғри фойдаланинг, тинчлигимиз ва фаровонлигимизга раҳна соловчи ёт кучлардан ўзингизни асрарн, Она Ватанимиз учун хизмат қиласидан ватанларвр ўғлил-қиси сифатида ягона етин, дегим келади.

"Халқимизда: "Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик!", деган нақд бор. Ўз қасбига ҳалол ва маъсулиятли олади. Бу тушунчани хамиятни онигина сингдириш зарур. Фуқароларга фаҳрий унвон беришдаги асосий мақсадимиз ҳам – шу. Бунгача бундай унвонлар ўқитувчиларга, шифокорлар ва маданият арбобларига берила бошлади. Бу – жуда яхши ташаббус, унинг кулемини кенгайтириш керак", деди Президент жорий йилги Мактубиди.

– Турли соҳалардаги мутахassisлар, оддий ходимларга хурмат кўрсатишни мерақлигини эслатди. Давлатимиз раҳбари. Дарҳакиат, рақобатбардош, иктисолидётни илғор мамлакат бўламиз десак, аввало, ҳалол меҳнатни баҳолаш зарур. Шу боис мұхандислар, геологлар, кончиларга, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва сув соҳаси ходимлари, олимлар ва ихтироҷиларга бериладиган фаҳрий унвонлар давлат мукофотлари тоғифасига кирилган. Мехнатнинг давлат даражасида баҳоланиши барча қасб-хунар соҳбларига алоҳида илҳом бағишилади, меҳнат одамининг кадр-кимматеги ва обрўсими оширади. Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди, кўкларга кўтаради. Айниска, ҳозирги фаровон турмушимизга кўз тегмасин. Ватанимиз тараққига даҳлорликни олий саодатаде деб биламан, – дейди отаҳон.

Давлатимиз раҳбаринын мамлакатимизи сийёсий ва иктисолид ривожлантириш, шу жумладан, иктиимио соҳалар – таълим-тарбия, илм-фан, соглини сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қартиланг ислогоҳотлари, жамиятимизда хотин-қизлар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қупай шароит ва имкониятлар яратиш билан болғилик масалалар, ҳар бир худуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режекалар, устувор лойиҳаларнинг барчаси 33 йилда амалга оширилган, асрар татиғулик ишлариди.

## «БИЛИМДОН АВЛОД, ҮҚИ, ҮҚИ ВА КАМОЛ ТОП»

Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида ўтган китобхонлар байрами шундай номланди. Тадбир ташкилотчиси бўлган туман тадбиркорлар палатаси кутубхонага янги китоблар, электрон китобларни ўқиш учун маҳсус ускуналар совга қилди.



Унда "Туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими"нинг "Ижтимоий хизмат кўрсатиш" муассасаси раҳбари ўринбосари Абай Тилеуов барчани байрам билан табриклаб, тадбир ҳомийлари – тадбиркор Яйрахон Норметова ва тўйхона соҳиби Равшанбек Шодиевларга фаҳрий ёрлиқлар топшириди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган бўлум мудираплари Асөл Қунисбаева, Кулъя Дўсқараева, имконияти чекланганлар орасида стол теннисидан спорт устаси Тўймурад Эшимов, қишлоқ ҳокимлиги мутахassisлари иштироқиларга эзгу ниятларини изҳор қилишиди.

Қ. Жандарбеков номидаги туман ва Манкент қишлоғи Маданият уйлаши ходимлари куй-қўшилар ижро этиб, даврага файз киритишиди.

3. МЎМИНЖНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.



Отаҳон болалик йилларини эсга опди. Отаси Шаулер тумани партия кўмитасида бўлум мудири эди. Кўп ўтмай, уларнинг оиласи Киров туманига кўчиб кетди. Яна масъул лавомларда ишлади.

– Раҳбар бўлиб тайинланганимдан кейин бир ой ўтар-ўтмас, отам чақириб колди. «Ўғлим, эшитдим, кўл остингдагиларга овоз кўтариб гапирайтган эксансан. Жамоада эса ёши сендан улуглар ҳам бор. Овоз кўтаришинг уларга оғир ботади. Агар фикрларинг ва бериладиган вазифаларни босиқлик билан, оддий сузлар билан етказа олмасанг, раҳбар бўлиб ишламай қўйқоп», деди. Отамнинг ҳақ эканлигини юракдан ҳис қилдим ва дарҳол хатоларимни тўғрилашга киришдим.

– Мирзахметов 1996 йили «Умр – карвон» номли китоб ёзиб, унда ўзининг ҳаёт ўйлари ва машаҳидатли фаолиятини тасвирлади. Жумладан, 1981 йили Қизилкум туманида Бўген, Арис, Сирдарё ўзларни тошиб, қишлоқларни сун босгани, тошқин оқибатларини бутун вилоят ёрдамида бартароф этганинг, «Куч – бирлиқ» ҳақ маколалини мана шу оғир дамларда исботини топгандан батафсил ёзган.

– Қозғистон халқи Ассамблеяси депутатлик гурухи аъзоси бўлган эксансан...

– Мамлакатимизда этнослараро ҳамжihatлини асрар, турли этнос азлатларининг эмн-эркин яшиши, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз салоҳиятини юзага чиқарши борасида олиб бориляп-киммада ҳам эътироф этилмоқда. Якнанда Сайрам туманида тўйда бўлдим. Иккичардош халқнинг бир-бира га юнга келди. Урғодатларимизда ҳам бир-бира га ўхшаб кетади. Модомики, Қозғистон умумий ўйимиз экан, ҳамкиҳат бўлсак, бир-бира мимизинг урғодатларимиз, азъанларимизни ҳурмат қилиб, тинчликнинг қадрига етсак, юртимизда файз-барака, тараққиёт бўллади. Зоро, тинчлик, осудалик, этнослар ўртасидаги тутувлик, ўзаро бирдамлик ва ҳамжihatлинида ҳаёт кечираётган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

– Үзингизни бахтили инсон деб бинасизми?

– Албатта. Жанубий Қозғистоннинг чекка қишлоғида тугилиб ўсдим, масъул лавозимларини менга ишониб топшириди, Парламент Мажлисига иккича депутат бўлиб сайландид. Турмуш ўргоним Зина билан юяга етказган фарзандларимиз ҳа

Сентябрь ойининг сўнгги шансаси Сўзок туманига сафарга отландик. Фаол обуначимиз Идрис Болтабой ўғли барпо этган "Торса" тўйхонасида газетамиз жонкуяри Султонбой Рўзиматов тавалдининг 60 йиллиги шарифига ташкил этилган тадбирда туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Мухаммаджон Бобоев билан иштирок этдик.

Хурматли обуначиларимиз – Қорачик қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, А. Навоий мақбарасини Ҳирот шахрига бориб зиёрат қылган Мирзахон Аҳмадов хамда "Жанубий Қозогистон" обунасими 200 нусхага етказган Қодир Аҳмедовни сўзоқпиклар яхши билишади ва улардан ибрат олишади.



Султонбой Рўзиматов ҳамда умр йўлдоши Элмира Болтабой қизига барчамиз самимий ниятларимизни изҳор этиб, кифтига тўн ёниб, таҳририят номидан табриклар ҳамда "Улес" жамғармасидан "Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси" кўкрак нишонини тўй сабабисига тақдим этиб, олшишар олди.

Ташрифимиздан нафақат С. Рўзиматов ва унинг оиласи, балки барча сўзоқпиклар хурсанд бўлиб, самимий миннатдорчилик билдиришибди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавхалар.

Муаллиф суратга олган.

## СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ МУРАББИЙЛАР!

Устозларни маънавият осмонида мусаффо зиё тартиб турган йўлчи юлдузларга менгзайман, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар.

Халқимизда "Устоз отангдек улуғ", деган яхши ибора бор. Дарҳақиқат, ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга ҳаёт сабоқларини беради.

Ўқитувчilar куни – мустақил юртимизда устозларга ҳурматимизнинг рамзий ифодасидир. Устозга эҳтиром аждодларимиздан мерос бўлган буюк қадриятларимиздан саналади. Ҳар биримизнинг бу ҳаётда устозимиз бор. Менинг севимли устозим – Мұхтабар Мирзаҳмедова. Касбий байрам арафасида биз барча устозларимизни шахсан Мұхтабар муаллимамизга узук умр, соглил-саломатлик тилаймиз. Келажакда мен ҳам ўқитувчilik касбini эгаллаб, устозим каби малакали мутахассис бўлишини орзу қиламан.

Ўз умрини, қалб кўрини, ақл-идроқини, тажрибаси ва билимни ёш авлод йўлида сарф этган инсонларга доимо таъзимдамиз.

Салтанат НАЗАРМАТОВА,  
Е. Юсупов номли умумий  
ўрта мактабнинг 7-“Г” синф ўқувчиси.



## »»Хушхабар

### УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ



Саврон туманидаги қадимий ва нақвирон Қорачик қишлоғида жойлашган "Турон" ўрта мактаби ўқитувчилари туман ўқитувчилари спартакиадасида умумхисобда фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, ғолибик шоҳсупасига кўтарилишиди.

Спортнинг волейбол ва "тўқизумалоқ" турлари бўйича пешадамлики бермаган устозлар жамоалараро умумхисобда ҳам 1-ўринга ионил бўлдишdi.

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.

## ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР!

Ўзбек тили дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Унинг ривожида сўз мулкининг суптони Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсdir.

Ҳазрат Навоий тил хақида шундай ёзадилар:

«Қўнгил ҳазинасининг  
кулфи тилдир,  
Ул ҳазинанинг қалитидан  
сўз била».

Тил – маданият кўзгуси ва руҳимизнинг қаноти. Ўзбекона лутф, мумомала, миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ эса она тилимиз маданиятининг қалитидир.

Тил нафақат мумомала воситаси – балки, ҳалқнинг маданияти, урф-одаати, унинг турмуш тарзи тарихидir. Тил ҳалқни бирлаштиради, тарбиялади, ўқитади. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир.

Ал-Форобий номидаги умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчилари «Тилга ҳурмат – элга ҳурмат» мавзуида тадбир ўтказишиди. Унда она тилимиз тараққиёти ҳамда ўзига хос бой биситини намойиш этишига кенг имконият яратилди. Ўқувчиларимиз она тилимиз тарихи ва хусусиятини саҳна кўринишлари, хикматли сўзлар, мақоллар, гўзал шеър-



лар ва кўй-кушиқлар орқали тараннум этишиди.

Бугунги кунда Ал Форобий номли умумтаълим мактабида 995 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Ёш авлодга она тилини пухта ўргатиш, уларни тилимизга ҳурмат ва бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш ҳамда иқтидорини юзага чиқариш, устозларнинг маъсуллиги бурчидир.

Тадбирда 100дан ортиқ ўқувчи аъло-

даражада иштирок этиб, ўз маҳоратини намоён қилишиди.

Зулфия ШОДИБЕКОВА,  
Ал Форобий номли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт музаллимаси.

Пола САЙДОВА,  
ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

Саврон тумани.

Директор – Баш мухаррир  
Райимжон Ортиқбай ўғли  
АЛИБОЕВ.

Баш мухаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзок – Рўзиоҳун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Қуршина КЎЧКОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.

Тулқибаш – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтарапар – Мұхтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.

Келес, Сариоғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийесий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган бирордарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборларбўйлар олиги  
томонидан 2020 йил 21 апрельда рўйхатга олини,

KZ34VPY00022503 гуеҳонма берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чол этиди.

Шимкент шахри, Т. Алимулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:  
160000, Шимкент шахри,  
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-йи, 3-қават.

Телефон: 53-07-10. Телеп fax: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатчи – 65466.

Адади – 11200 нусха.

Буорта:

Буорта:

Навбатчи мухаррир: Ҳуршид КЎЧКОРОВ.